



МАВЗУ: ЖАБРЛАНУВЧИНИНГ ШИКОЯТИНИ ТЕКШИРИШ ВА ҲАЛ ҚИЛИШГА ОИД МАВЖУД МУАММОЛАР

Хушмамат Қаландарович Искандаров

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Олий таълимдан кейинги

таълим факультети таянч докторантура докторанти, подполковник

www.xushmamatiskandarov@mail.com

Бугунги суд-тергов амалиётида жабрланувчининг шикоятига асосан иш қўзғатилиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш ва ушбу институтни қўллаш билан боғлиқ муайян муаммолар вужудга келмоқда. Ушбу муаммолар кўп ҳолларда мазкур институтни самарали қўллашга тўсиқ бўлмоқда. Бу каби муаммоларнинг асосий сабаблари бизнингча жабрланувчининг шикоятини текшириш институтини қўллаш механизми билан боғлиқ. Жабрланувчининг шикоятини текшириш тартибини такомиллаштириш механизми ҳақида батафсил тўхталиш қайд этилган муаммолар ва уларнинг сабабларини тўлиқ ўрганиш ҳамда уларнинг мақбул ечимларини топиш учун қулай шароит яратади.

Жабрланувчининг шикоятига асосан қўзғатиладиган жиноятларга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни текширишнинг тартиби амалдаги ЖПКда белгилаб қўйилган бўлиб, ушбу турдаги хабарларни текширишга ваколатли бўлган шахслар мавжуд қонуний талабларга кўра ўз хизмат вазифаларини олиб борадилар.

Жабрланувчининг шикоятига асосан иш юритиш механизми ЖПК моддалари билан белгиланади. Бугун амалда бўлган жиноят-процессуал қонунчиликда жабрланувчининг шикоятига асосан қўзғатиладиган ишларга доир масалаларни қўллаш механизмига оид кўпгина бўшлиқлар мавжуд. Жумладан, амалдаги ЖПКда мазкур институтини қўллаш тартибига оид қоидалар қисқача белгиланган. Жумладан, жабрланувчининг шикояти асосидагина қўзғатиладиган жиноят турлари келтирилган, агар жабрланувчининг шикояти бўлмаса, яъни шикоят умуман берилмаса иш қўзғатиш рад этилиши, қўзғатилган иш тугатилиши қайд этилган, шунингдек ярашув асосида иш тугатилиши мумкинлиги ва ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби



белгиланган¹. Жабрланувчининг шикояти асосидагина кўзғатиладиган ишларда терговга қадар текширув, тергов ҳаракатлари ўтказиш ва суд муҳокамасининг ўзига хос хусусиятлари алоҳида белгиланмаган. Қайд этилган ҳолатлар хусусий айблов институтини қўллаш механизмини ташкил этувчи иш юритув босқичлари бўлиб, ушбу босқичлар мукамал тартибга солинишини тақозо этмоқда. Шу сабабли жабрланувчининг шикоятига асосан кўзғатиладиган жиноятларга доир ишларни юритишни тизимлаштирилиши ва ушбу масалада алоҳида тартиб юритилиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 325-моддаси Жабрланувчининг шикоятига асосан жиноят иши кўзғатиш дея номланган бўлиб, модданинг номланишига чуқурроқ тўхталиш ва уни мазмун жиҳатидан тадқиқ этиш лозим. Бизнингча модданинг номидаёқ жабрланувчи сўзининг қўлланилиши шахснинг ҳуқуқий мақомини белгилаб қўйиш ҳисобланади. Ваҳоланки шахсни жабрланувчи дея эътироф этиш учун жиноят иши кўзғатилган бўлиши ва қарор ёки ажрим чиқарилиши, шундан сўнг шахс жабрланувчи деб эътироф этилиши лозим. Мазкур модданинг талаблари эса аксарият ҳолларда терговга қадар текшириш жараёнида қўлланилади ва ушбу жараёнда шикоят қилган шахсни қайд этиш, ундан тушунтиришлар олишда унга нисбатан жабрланувчи ибораси ишлатилмайди. Шу сабабли модданинг номидаги жабрланувчи сўзининг ўрнига “Жабрланган шахс” ёки “Зарар етказилган шахс” жумласидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Жиноят процесси иштирокчиларининг, айниқса жабрланувчилар, фуқаровий даъвогарлар ҳамда жиноятга у ёки бу даражада алоқадор бўлган бошқа шахсларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш масаласи илгари ҳам жуда долзарб муаммолардан бири бўлган. Шу билан бирга ҳуқуқий давлат барпо этилаётган ҳозирги шароитда у кечиктирилмай ҳал этилиши зарур бўлган муаммолардан бирига айланди. Ушбу қонуннинг асосий вазифалари жабрланувчи, гувоҳ ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкига тажовуз таҳдиди мавжуд бўлганда қўлланиладиган, жиноятларнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси: (2021 йил 1 мартгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат” ҳуқуқий ахборот маркази, 2021. – Б.225, 226, 399-402.



олдини олишга ёки уларни фош этишга кўмаклашадиган, хавфсизлик ва ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини ўз ичига оладиган чора-тадбирлар тизимини белгилашдан, шунингдек уларни қўллашнинг асослари ҳамда тартибини аниқлашдан иборатдир².

Бизнинг фикримизча жабрланувчи дейилганда ҳуқуқлари бузилган ва жиноят натижасида зарар етказилган шахс, яъни жиноят процессининг иштирокчисини тушуниш лозим. Баъзи жиноятлар содир этилиши натижасида шахсга нисбатан моддий зарар етказилмасада, аммо унинг ҳуқуқлари бузилади, шаъни ва қадр-қиммати топталади. Бундай ҳолларда ҳам шахсни жабрланувчи дея эътироф этиш ва процессда иштирокини мустаҳкамлаш зарур. Жиноий ҳаракат натижасида шахсга зарар етказилган вазиятларда эса уни жабрланувчи сифатида эътироф этишимиз табиий ҳолдир.

Амалдаги жиноят процессуал қонунчилигимизда белгиланган талабдан келиб чиққан ҳолда шахсни жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш учун суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан қарор чиқарилишини қувватлаймиз, аммо истисно ҳолатда ушбу қарор терговга қадар текшириш ҳаракатлари давомида ҳам чиқарилишини қонунчилигимизда акс эттириш ҳамда амалиётга тадбиқ этишни таклиф қиламиз. Чунки кўпчилик ҳолларда терговга қадар текшириш ҳаракатлари жараёнида жабрланган шахс жабрланувчининг ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланиши тақозо этади.

Бизнингча, жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишнинг иккита вазифаси мавжуд:

- 1). Қонун билан кафолатланган процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширилишини таъминлаш;
- 2). Жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш (бартараф этиш). Жабрланувчининг жиноят процессида иштирок этиши жиноят ишини юритиш жараёнида ўз ҳуқуқларини тиклашига эришишининг асосий воситаси бўлиб, жиноят натижасида шахсга маънавий, жисмоний ва мулкӣ зарар етказилганлигидан келиб чиқади.

² Ўзбекистон Республикасининг «Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва Жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ЎРҚ–515-сонли Қонуни / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2019 й., 03/19/515/2472-сон



Жабрланувчи тергов органларига узрли сабабларсиз келмаса унга нисбатан мажбурий келтириш, кўрсатув беришдан бош тортганлиги учун эса ҳеч бир муқобил чорасиз жиной жавобгарликка тортилиши қонунийлаштириб қўйилган. Е.В.Демченконинг фикрича «жиноят-процессуал муносабатларда биринчи навбатда жабрланувчининг ҳаққоний кўрсатувлар беришларини рағбатлантириш чораларини кўриш лозим³.

Жабрланувчига ҳаққоний кўрсатувлар бериш, ҳақиқатни аниқлашга, далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга ҳилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги ва қўйилган саволларга жавоб бериш мажбуриятлари юклатилган. У кўрсатув беришдан бош тортганлиги ва била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлиги учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлади⁴.

Шубҳасиз, жабрланувчининг кўрсатувлари жинойт ишлари бўйича далиллар мажмуининг муҳим таркибий қисмидир. Чунки бир қатор бошқа процессуал ҳаракатлар, масалан, эксперимент, турли экспертизалар тайинлаш, гувоҳлантириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказишда улар берган кўрсатув ва маълумотларга асосланилади. Давлат ўзининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини бажариш мақсадида жабрланувчининг ақлий ҳамда жисмоний имкониятларидан фойдаланади.

Жинойтларни фош этиш ҳамда тергов қилиш жараёнида жабрланувчининг кўрсатмалари муҳим далил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Чунки баъзи ҳолларда жинойтлар шохидсиз шароитда содир этилади ва бундай вазиятда айбдор шахснинг айбини исботлаш ва унга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Ҳозирги вақтда жабрланувчининг шикоятига оид ишлар бўйича умумий тартибга риоя этилган ҳолда терговга қадар текширув ва тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда. Аммо ўз хусусиятига кўра жабрланувчининг шикоятига асосан иш юритишда терговга қадар текширув ўтказишнинг айрим алоҳида

³ Демченко Е.В. Участие потерпевшего и его представителя в доказывании: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2001. – С.18.

⁴ Круглов С.В. Участие потерпевшего в доказывании на предварительного следствии по УПК РФ: Автореф. дис. канд. юрид. наук. – Саратов, 2006. – С.9.



ҳолатлари учрайди. Баъзида ушбу жиҳатларнинг муайян муаммоли ҳолатлар билан боғлиқлиги амалдаги қонунда уларнинг ўз ечимини топмаганлиги оқибатида юзага келмоқда. ЖПКга кўра терговга қадар текширувда жиноят ишини кўзғатиш ёки иш кўзғатишни рад этиш масаласини қонуний тартибда ҳал этиш зарур⁵.

Жабрланувчининг шикоятига оид ишларда шу билан бирга амалдаги кодексда мазкур ишлар тоифасига киритилмаган, аммо хусусиятига кўра шахснинг шикояти билан боғлиқ элементларга эга бўлган бошқа турдош жиноят ҳодисалари аниқланган ҳолларда ҳам баъзан жабрланувчи шикоят ёзишдан бош тортиш ҳоллари учрайди. Бу каби ҳолларда жабрланувчиларнинг шикоят ёзишдан бош тортишлари сабаби содир бўлган ҳодисани улар томонидан кам аҳамиятли қилмиш сифатида баҳоланиши билан боғлиқ. Шунингдек, ҲМҚОларга нисбатан ишончсизлик ва кўркув ҳисси жабрланувчиларда шикоят ёзишдан бош тортишларига таъсир қилмоқда. Терговга қадар текширув амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки айрим талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятларда ҳам жабрланувчилар шикоят ёзишдан бош тортмоқдалар.

Тергов амалиётидан ҳам маълум бўладики жабрланувчининг шикоятига доир ишларнинг асосий хусусиятлари сифатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши натижасида фақат фуқаро(жисмоний шахс)нинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига кўп бўлмаган зарар етиши, жамият ёки давлат манфаатларига зарар етмаслиги, зарар етсада жуда кам аҳамиятли бўлиши, шу билан бирга жиноят таркиби элементлари мавжудлигини исботлаш учун асосий далил сифатида жабрланувчининг кўрсатмалари муҳим аҳамият касб этадиган ҳолатларда жабрланувчининг шикоятига асосан иш юритилишини тақозо этади.

Жабрланувчининг шикоят бериши билан боғлиқ ишлар юзасидан терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказишда ҳодиса тафсилотларига ойдинлик киритишга хизмат қилувчи ҳаракатлардан бири жабрланувчидан тушунтириш

⁵ Қаранг: Миразов Д.М. Контроль ва назорат: тарихий, ташкилий ва процессуал жиҳатлар: Монография. – Т.: ЎР ИИВ Академияси, 2015. – Б.72.; Файзиёв Ш.Ф. Терговчи ва суриштирув органларининг ўзаро муносабати: Монография. – Т.: ТДЮИ, 2011. – 160 б.



олиш ҳисобланади. Жабрланувчи шикоят беришдан бош тортганидан кейин тушунтириш олишда ҳам бўлиб ўтган ҳодиса тафсилотларини қисман яширишга ва ҳодисага оид муҳим вазиятларни айтмасликка уринади. Шу боис ушбу тоифадаги ишларда агар жабрланувчи шикоят беришдан бош тортган бўлса ундан тушунтириш олиш жараёни нисбатан мураккаб кечади. Бундай вазиятларда шахсдан тушунтириш олишга юзаки ёндашиш ярамайди, аксинча шахс билан гаплашишга муайян даражада тайёргарлик кўриб, сўраладиган саволларни тайёрлаб, аниқлаштириш керак бўлган ҳолатларни ойдинлаштириш кетма-кетлигини белгилаб, жараён кечишининг бир неча сценарийларини тасаввур қилган ҳолда ҳаракатларни режалаштириб фаолият олиб бориш кутилган натижаларни қўлга киритишга имкон яратади. Шу билан бирга шахс қайси тилда тушунтириш беришидан келиб чиқиб, унинг процессуал ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда⁶ ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ. Жабрланувчилардан тушунтириш олиш унинг турган жойида ёки ҳодиса содир бўлган жойида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ, тергов амалиётида ҳам шунга амал қилинаётганлигини кўриш мумкин. Бошқа текшириш ёки тергов ҳаракатларининг ўтказилиши ҳамда самарадорлиги ҳодиса содир бўлган жойнинг ўз вақтида ва сифатли кўздан кечирилишига боғлиқ бўлади.

Жабрланувчининг шикоятига асосан қўзғатиладиган жиноятларга оид ариза ва хабарларни текширишда бугунги кунда амалда бўлган қонунчиликда ўзига хос бўшлиқлар ҳам мавжуд десак муболаға бўлмайди. Жумладан:

-ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этиб, жабрланувчининг шикояти бўлмаганлиги сабабли жавобгарликдан озод бўлаётган шахсни айбсиз дея олмаймиз. Чунки шахс Жиноят кодексининг тегишли моддасида назарда тутилган жиноятни содир этиб, ўзининг ижтимоий хавфлилигини кўрсатади. Бу эса шахсни айбсиз деб топиш ва қонунда белгиланган тартибда уни оқландилишини инкор этади. Ушбу моддани қўллаш натижасида жавобгарликдан озод бўлган шахсни айбсизлик презумпцияси принципи талабларидан келиб чиққан ҳолда суднинг қонуний

⁶ Қаранг: Джураев И.Б. Жиноят ишлари юритиладиган тил принципи ва таржимоннинг процессуал мақоми. Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: ТДЮИ, 2012. – Б.12-15.



кучга кирган айблов ҳукми бўлмаганлиги сабабли расман “айбдор” деб ҳисоблай олмаймиз. Бу эса ўз навбатида мазкур тоифадаги шахсларга нисбатан судланган ёки жазо ўтаётган шахслар каби профилактик таъсир чораларини қўлланилиши мумкин эмаслигини кўрсатади. Қолаверса ЖКнинг 4-моддасига мувофиқ содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳукуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланишини инобатга олиб, ЖПКнинг 325-моддаси бўйича жавобгарликдан озод бўлган шахсларни муқаддам судланган шахслар билан тенглаштириш айбсизлик презумпцияси принципи талабларига зид ҳисобланади.

-Ҳозирда амалиётда ҳам учраб турадиган ҳолатлардан бири бу бир шахс томонидан ЖПКнинг 325-моддаси таъсирига тушувчи бир нечта жиноятларни содир этилишидир. Бундай ҳолатда унга нисбатан ушбу модда талаблари асосида жиноят ишини қўзғатишдан рад этиш тўғрисида қарор чиқарилиши қанчалик тўғри. Дарҳақиқат амалдаги жиноят-процессуал қонун нормалари билан бу масала тўғридан-тўғри тартибга солинмаган. Лекин Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 14 майдаги “Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 6-сонли қарорида бир шахс томонидан бир неча жиноят содир этиладиган бўлса амнистия актини қўллаган ҳолда жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш мумкинлиги белгиланган. Демак бу ҳолатда ҳам ҳуқуқ аналогиясини қўллаган ҳолда ЖПКнинг 325-моддаси бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш мумкин деган хулосага келиш мумкин. Масалан шахс ЖКнинг 109-моддаси ҳамда 105-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган жиноятларни турли вақт оралиғида содир этса ва улар бўйича жиноят иши қўзғатилмай туриб жабрланувчилар шикоят аризасини беришдан бош тортган тақдирда ишни қўзғатиш масаласи ЖПКнинг 325-моддаси талаблари асосида рад қилиниши лозим. Бу вазиятда энг муҳим омил барча жиноий қилмишлар ЖПКнинг 325-моддасида кўрсатилган жиноят таркиблари билан (моддаси ҳам, қисми ҳам тўғри келиши лозим) бир хил баҳоланиши мақсадга мувофиқ. Бу ҳолатларда ҳар бир ишда жабрланувчилар алоҳида бўлади ва ҳар бир жабрланувчи ўзига



тааллуқли бўлган ишлар юзасидан даъво қилиши ёки даъвосидан воз кечиши ҳақида муносабатларини билдирадилар.

-Терговга қадар текширув амалиётида жабрланувчи дастлаб ариза билан мурожаат этиб, кейинчалик жиноят иши қўзғатилгунга қадар ўзи берган аризадан воз кечиб, жиноят ишини қўзғатмасликни илтимос қилиш ҳолатлари учрамоқда. Эътиборлиси шуки ишни юритаётган мансабдор шахс бу вазиятда қандай йўл тутиши амалдаги қонун ҳужжатларида қайд этилмаган. Фақатгина Олий суд Пленумининг “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарори 25-бандида судланувчига аввал эълон қилинган айб ЖКнинг тегишли моддасига, яъни жабрланувчининг шикоятига асосан қўзғатиладиган жиноят ишлари бўйича ўзгарганда шахснинг жиноий жавобгарлик масаласи жиноят ишида жабрланувчининг аризаси мавжудлиги ёки суд мажлисида берган судланувчини жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақидаги ариза ҳамда оғзаки кўрсатмаси асосида ҳал этилиши белгиланган⁷. Лекин келтирилган ушбу ҳолатда фақат қўзғатилган жиноят иши бўйича шахснинг шикояти бўйича иш юритиш институтини қўллаш масаласи ўз ечимини топган.

Мазкур фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда бундай ҳолатларда жиноят ишини қўзғатиш масаласи ЖПКнинг 325-моддасини асос қилган ҳолда ушбу Кодекс 84-моддасининг биринчи қисми 6-бандига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида ҳулосага келиш керак. Чунки ушбу моддада назарда тутилган жиноятлар бўйича шикоят бериш ёки бермаслик ҳуқуқи жабрланувчининг ўзига ҳавола. Қолаверса ушбу институтнинг асосий мақсадларидан бири ҳам жиноят ишини қўзғатиш ёки уни рад этиш масаласини бевосита жабрланувчининг хоҳишидан келиб чиққан ҳолда ҳал этиш тартибини жорий этишдир десак муболаға бўлмайди. Яъни бу берилган шикоятнинг жабрланувчи томонидан ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган тартибда қайтариб олиш мумкинлигини кўрсатади. Бунда даъво айблов шакли эмас, балки даъво бартараф этилгунга қадар амалга

⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 2 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли қарорининг 8-банди // URL: <http://www.lex.uz>



ошириладиган жиноий таъкиб иш юритувининг таркибий қисмидир. Агар тарафлар даъводан воз кечса, жиноий иш юритуви шу заҳоти тугатилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси: (2021 йил 1 мартгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат” ҳуқуқий ахборот маркази, 2021. – Б.225, 226, 399-402.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва Жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ЎРҚ–515-сонли Қонуни / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2019 й., 03/19/515/2472-сон
3. Демченко Е.В.Участие потерпевшего и его представителя в доказывании: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2001. – С.18.
4. Круглов С.В. Участие потерпевшего в доказывании на предварительного следствии по УПК РФ: Автореф. дис..канд.юрид.наук. – Саратов, 2006. – С.9.
5. Қаранг: Миразов Д.М. Контроль ва назорат: тарихий, ташкилий ва процессуал жихатлар: Монография. – Т.: ЎР ИИВ Академияси, 2015. – Б.72.; Файзиев Ш.Ф. Терговчи ва суриштирув органларининг ўзаро муносабати: Монография. – Т.: ТДЮИ, 2011. – 160 б.
6. Джураев И.Б. Жиноят ишлари юритиладиган тил принципи ва таржимоннинг процессуал мақоми. Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: ТДЮИ, 2012. – Б.12-15.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 2 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулккий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли қарорининг 8-банди // URL: <http://www.lex.uz>